



Тайландда Куръон мусобакаси ўтказилди Тайланддаги «Амир Сункало» универсиети қошидаги «Куръони Каримни ўрганиш» хайрия муассасаси Бутун Дунё Тахфизул Куръон уюшмаси билан ҳамкорлигида Куръон мусобакаси ўтказди. Унда 55 нафар талаба иштирок этди. Мусобака беш хил йўналишда бўлиб ўтди:

- 1) Куръонни тўла ёдлаш;
- 2) 20 пора ёд билиш;
- 3) 10 пора ёд билиш;
- 4) 5 пора ёд билиш;
- 5) 1 пора ёд билиш.

Мусобакани етти кишидан иборат ҳакамлар хайъати кузатиб борди. Мусобакада «Амир Сункало» университетининг исломий фанлар факультети вакили Доктор Мухаммад Рифлий Хомо, Куръони Каримни ўрганиш хайрия муассасаси раиси Шайх Мухаммад Исмоил Бароҳинж, Бутун Дунё Тахфизул Куръон уюшмаси вакили Шайх Хоний Мухаммад Рамодий ҳамда Куръон ихлосмандлари, талабалар ва уларнинг яқинлари катнашди. Тадбирда сўзга чиққанлар меҳмонларларга ўз миннаддорчиликларини билдирдириб, Куръони Каримни ёдлаб, пухта ўзлаштириш ва унинг ҳукмларни маҳкам тутишга чақирдилар. Тадбир якунида мусобака голибларига мукофотлар топширилди.

Манба: www.hqmi.org